

ТОШКЕНТ ТЕАТРЛАРИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

В. И. ЛЕНИН
ТУГЪИЛИНИНГ 100 ЙИЛИГИГА



ТОШКЕНТ ОКШОМИ

5-йил чиқиши
11 ФЕВРАЛЬ 1970 й.
ЧОРШАБА
№ 35 (1103).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



**Бизнинг
ИНТЕРВЬЮ**

**ФАЙЗ
ВА**

УЛУҒВОРЛИК

Баҳарийнинг доҳиси В. И. Лениннинг кутлуг туйи ўз маъноси ва мазмуни билан прогрессив инсониятнинг буюк байрамига айланиб кетди. Шу кунларда Совет Иттифоқида барча санъат усталари ҳам юбилей кунларида сидқидилдан хизмат қилиш завқ-шавқи болан банд.

Мамлакатимизда 12 апрелдан 22 апрелгача «Санъат-халқ» шiori остида Совет Иттифоқи халқларининг санъат байрами ўтказилди. Байрам Болтибуйдан тинч оёган соҳилларига, Мурманскдан Помир чуққиларига авжа чиқди. Санъат намойиши Тошкентда ва республикамиз шаҳарларида қандай ўтказилди. Мухбиримизнинг ана шу саволига «Ўзбеконцерт» директори А. Назаров бундай жавоб берди:

— Аввало санъат байрамининг шiori ҳақида сўзлайдиган бўлсак, Лениннинг «Санъат-халқ» деган оташин сўзи байрамга девиз қилиб олинди.

Бу байрамга йил бошидан бери катта тайёргарлик қилинган. Барча томоша заллари ана шу байрам учун аяратилди.

Тошкентда бутун жаҳонга танилган «Берёзка» давлат раис ансамбли, Беларуссия — Давлат халқ ора, Ёрга эстрада оркестри, Молдавиянинг «Мугурел» этнографик ансамбли, бир қатор қардош республикаларнинг санъат усталари гуруҳлари келишди. Булар билан бирга мамлакатимизнинг энг талантли созандалари Овясослав Рихтер, Метислав Растропович, Борис Гутников, СССР композиторлар союзининг лауреатлари Ирина Шаховская, Виктор Третьяков ва бошқа кўпгина дўстлар ўз чинишлари билан байрамни қизатдилар.

Санъат байрамидан қардош республикалардан 420 санъаткор келди. Улар Тошкент ободлаштининг меҳнаткашлари ҳаурида концертлар бердилар. Ўзбекистонда 240 марта концерт берилди. Уларга қамда 200 минг томошабин таклиф қилинди.

Булардан ташқари ўзбекистон санъат усталари қардош республикалардаги бундай маросимларда қатнашишга таклиф қилинган. «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда 20 дан ортиқ концерт берди. «Шодлик» ансамбли украин ва молдаванлар ҳузурига борди. Ўзбекистон СССР халқ артисти Ботир Зокиров бошчилигидаги эстрада гуруҳи Москвада ва РСФСР шаҳарларида томошабинларини мамнуа этди. Ўзбекистон санъат усталарининг ана бир катта гуруҳи Ўрта Осиё республикаларида бўлди.

Байрамда совет халқларининг қардошлиги ва дўстлиги кудратли куч эканлиги тараннум этилди. Доҳий Лениннинг туйига фойа ва улугворлик бахш этди.

А. ПЛАТОВ.



Тошкент театрларида турли асарлар сахна юлдузи бўлиб келмоқда.

СУРАТЛАРДА: Муқимий номидаги музикали театрнинг «Паранжик сирлари», «Еш гвардия» театрнинг «Осенцим жаллодлари», Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрнинг «Бой ила хизматчи», Горький номидаги рус академик драма театрнинг «Қасос ёши», рус ёш томошабинлар театрнинг «Золушка» асарларидан кўринишлар тасвирланган.

11 апрель — коммунистик меҳнат ва санъат байрами бўлсин

Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театри коллективининг республикадаги барча санъат ходимларига мурожаати

Бизнинг мамлакатимиз аjoyиб воқеа арафасида яшайпти. Барча прогрессив инсоният В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Жаҳон пролетариати доҳийсининг тарих тараққиётига қўсатган таъсири беқиёсдир. Марксизм-ленинизм байроғи остида Совет мамлакатини босиб ўтган эллик икки йиллик йўлга бу ғояларнинг ғойибона, ҳаётий, ижодий кучининг тантанаси бўлди. Лениннинг худди шу ғоялари Коммунистик партия, совет халқини социализм ва коммунизм қуришда янги ғалабаларга руҳлантирди.

В. И. Ленин коммунизм қуришнинг иқтисодий ва социал-сиёсий проблемаларини «ҳар томонлама мукамал тараққий этган» янги инсонни тарбиялаш билан қўшиб олиб бориш керак, деб таъкидлагани эди. Партиянинг бosh ҳужжатларида, XXIII съезд қарорларида ўзининг зукур ифодасини топаган ана шу вазифаларни бажаришда санъат ҳам катта роль ўйнайди.

Коммунистик партия жаҳонда биринчи бўлиб, «санъат — халқнинг» деган шiori ўртага ташлаган бизнинг мамлакатимизда гузаллиққа интилишчиларча кишиларнинг ҳаётий талабига айланган қолган театр ва филармония залларининг ҳаммаша томошабинлар билан тўлиқ бўлиши, кинотеатр ва кўрғазма залларининг эшиклари олдига навбат кутувчиларнинг доимо гав-

жум бўлиши, кўлаб томошабинлар иш-тирок эътибор билан санъат фестиваллари-буларнинг барчаси кундалик ҳаётимизнинг одатига айланиб қолди. Бизда бадиий адабиёт усталарининг китоблари, таниқли рассомларнинг асарларидан репродукциялар, кўчирилган альбомлар миллионларча нусхада нашр этилмоқда. Завод ва колхоз маданият саройларида, клубларда, пионерлар уйларида мингларча кишилар бундай вақтларини бадиий ижодга сарфламоқдалар.

Реалистик ҳақиқий санъатнинг бундай оҳанрабо кучи нимада? Санъат ҳаётий бадиий образлар орқали акс эттириб, бизнинг руҳимизга таъсир этди, инсонни эзгуликка чорлайди, уни жамиятнинг фаровонлиги учун яшашга ўргатади, инсон истеъдодларини тақомиллаштиришда ва маънавий қиёфасини шакллантиришга ёрдам беради.

Миллионлаб совет кишиларининг турли ижодга қизиқайётгани, маданият ҳазиналарида, гузалликдан баҳраманд бўлишга интилайётгани, ўз фикри ва туйғуларини санъатнинг у ёни бу жанрида таъсир этишга ҳаракат қилган кишиларнинг маънавий бойлиги ниҳоятда ўсганидан дарак беради.

Биз санъат ходимлари совет кишисининг хар томонлама мукамал бўлиши, тингловчи ва томошабинларимизда гузаллик туйғусининг тағин ҳам тарақ-

қиёт этиши учун ёрдам беришининг барча имкониятларига эгамиз.

Санъат усталари билан колхоз ва совхозлар коллективининг ижодий ҳамкорлиги бутунги кунининг гузал белгиси бўлиб қолди. Театрнинг артистлари Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, пахта далаларининг меҳнатсеварлари қаршисида бир неча бор оталиқ концертлари бердилар. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театри, Давлат филармонияси, ЎзССР Давлат халқ «Баҳор» рақс ансамбли ва бошқа коллективлар ҳам шу каби ўз анъаналарига эга.

Совет санъати арбобининг партия ва халқ олдидаги масъулияти юксак.

Улар ўз истеъдодлари ва маҳоратлари билан ҳаётимизнинг бадиий полотносини жушқин, ёрқин ва образли қилиб ифодалаб беришлари керак. Бу асарларда Ленин партияси бошчилигида коммунизм қуришда совет халқи эришган буюк ютуқлар ўз ифодасини томоғи зарур.

Шу йил 11 апрель — мамлакатимизда коммунистик шанбалик деб эълон қилинди. Корхоналарнинг коллективлари шу кунинг таъбири қилинган хом ашё ва электр энергияси ҳисобига ишлайдилар ҳамда тўшган маблағини беш йиллик фондига тоширадилар.

Биз, санъат ходимлари ҳам бу умум-халқ ишдан четда қолмаймиз. 11

апрель коммунистик меҳнат ва санъат кунини бўлиб қолсин!

Алишер Навоий номидаги Давлат Академик опера ва балет Катта театрининг коллективи 1970 йил 11 апрель кунини В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликда актив иштирок этишга қарор қилди.

Театр коллективи юбилей коммунистик шанбалик кунини пиландан ташқари ўз репертуаридаги энг яхши спектакллардан бирини кўрсатишга ва тўшган маблағини беш йиллик фондига тоширишга қарор қилди. Театрнинг энг яхши артистлари 11 апрель кунини Тошкент корхоналарининг деҳларида ҳисобот бердилар.

Биз Тошкентнинг ижодий коллективларига, пойтахтнинг барча санъат арбобларига мурожаат қилмоқдамиз! 11 апрелни коммунистик меҳнат ва санъат кунини қилайлик.

Мурожаат Ўзбекистон ССР Алишер Навоий номидаги Давлат Академик опера ва балет Катта театри коллективининг мажлисида қабул қилинган.

М. АШРАФИЙ,
Театр директори, бадиий раҳбари ва бош дирижёр,
С. ШОДМОНОВ,
Партия ташкилотининг секретари,
А. АБДУҚАЙМОВ,
Қасаба союз ташкилотининг раиси.

Ёрқин юлдузлар

Ҳамза номи Ленин ордени ўзбек Давлат академик драма театри санъаткорлари ҳам В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб асарлар билан кутиб олиш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Театрнинг бош режиссёри Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай мукороти лауреати, доцент Тошўжа Ҳўжаев санъат даргоҳининг юбилей олдига тарадудди ҳақида куйи-дегиларин билдирди.

—Хар бир кутлуг айёмга муносиб тўхфалар тайёрлаш театримиз санъаткорларининг яхши анъанасига айланган. Доҳий юбилей асарлари ҳақида гап борганда бир қатор мисолларни фохрлашиш тўғриси билан айтиш мумкин.

Юбилейга тайёргарлик бундан уч йил муқаддам бошланган эди. Ушанда татар драматурги Риза Шумуродовнинг «Бўрон қуши» асарини сахналаштирган эдик. Владимир Ильичнинг Қозон университетидagi студентлик йиллари ҳақида хикоя қилувчи бу асар муваффақият билан уйналди.

Яқинда рус драматурги Михаил Шатровнинг «Олтинчи июль» асарини сахналаштирдик. Маълумки, бундан бир неча йил илгари драматург Комил Яшиннинг «Йўли юлдуз» драмасини сахналаштирган эдик. Юбилей арафасида асар муаллифи «Йўли юлдуз»нинг янги вариантини яратди. Биз санъаткорлар бу асарини сахналаштириш ниятида ижодий иш олиб боряптимиз.

Ленин образин СССР халқ артисти Ҳамза мукороти лауреати Шукур Бурхонов ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Зикир Мухаммаджонов яратдилар.

Умуман, бу икки асар театр тарихида ёрқин юлдузлар бўлиб қолади. Бундан ташқари юбилей кунларида театр музейида Ленинга Ҳамза театри сахнасида деган кўрғазма очилди.

Шу кунларда катта ўқув юртлари ва корхоналарда Ленинга бағишланган спектаклларнинг ижодкорлари билан қатор учрашувлар ўтказилмоқда.

ДОҲИЙНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали театри ижодкорлари сахналаштирган Енни Мирзоининг «Олма гуллаганда» музикали драматини март ойининг ўрта-ларида томошабинларга тақдим этилиши керак. Асарда ўзбек аёли босиб ўтган йўл ҳикоя қилинади.

—Театримиз коллективи доҳий туйига катта концерт программасини ҳам тайёрлашти. — дейди бош режиссёр, СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамраев. — Ижодкорларнинг режалари улкан. Яқин ойларида Собир Абдуллаининг «Менинг жаннатим» асарини сахналаштирилади. Бу асар ёшлар ҳаётига бағишланган.

ТУЙГА ТУЁНА

Охунбобов номидаги Еш томошабинлар театри эндиликда кўчиликка жуда яхши таниш бўлиб қолди. Бу театр сахналаштиратган асарлар биргина шахримиздагина эмас, балки зангори экран орқали республикамизнинг ҳамма жойларида ҳам бир неча бор синовдан ўтмоқда.

Театр коллективи хозир Юрий Яковлевнинг «Нурийидом Володия» номили тарихий драматини сахналаштиришти. Володия ролин ис-теъдодли артистлардан Л. Саъдуллаев, Х. Саъдиевлар, Володиянинг асар шуйнинг охири-ларида томошабинларга тақдим этилади.

ониси Мария Александровна Голени эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар М. Йўлдошева ва М. Ҳамидовлар ижро этишган.

Асар шуйнинг охири-ларида томошабинларга тақдим этилади.

САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

Сааноат ходимларининг 10 февралда Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгаши сааноатининг 1969 йилдаги иши якуларини ҳамда сааноат корхоналари коллективларининг 1970 юбилей йилидаги вазифаларини муҳокама қилди. Кенгаш ишда област, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва област ижроия комитетлари раисларининг сааноат масалалари билан шугулланувчи ўринбосарлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, фабри-

ка ва завод қасаба союз комитетларининг раислари, сааноат корхоналари ва транспорт ташкилотларининг раҳбарлари, новаторлар ва ишлаб чиқариш илгорлари қатнашдилар.

Кенгаши КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Алисимкин «Сааноатининг 1969 йилдаги иш якулари ҳамда сааноат корхоналари

коллективларининг 1970—юбилей йилдаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан музокара-лар бошланб кетди. Кенгаш қатнашчилари ўз нутқларида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига республикада аяк олиб кетган соци-листик мусобақанинг кенг қу-лоч ёйганлиги тўғрисида, катта-качча резервлар тўғрисида га-ширдилар. Бу резервлардан тў-ла фойдаланиш сааноат ходи-мларининг энг муҳим вазифаси эканлиги айтвди.

(ЎЗАТ).

Кенгаш қатнашчилари ишчи-лар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, Ўзбекистон ССР сааноат ва транспорт кор-хоналари коллективларининг 1970 йилга олган социалистик мажбуриятларини қабул қилди-лар.

Кенгаш ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тетининг бюроси аъзолари ва бю-ро аъзолигига кандидатлари Р. Қўрбонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинов, Р. Н. Нишонов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов қатнашдилар.

(ЎЗАТ).



СУРАТДА: Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрининг «Спартак» балетидан кўриниш.

ТОШКЕНТ
ГАЗЕТАЛАРДА

Эътибор қозонаётган театр

«Еш гвардия»нинг туғилганига эндигина икки йил бўлди. У тобора томошабинларнинг оқлишига сазовор бўлиб боришти. Унинг «Баҳс», «Учинчи ору», «Дийдор» каби спектакли томошабинлар диққатини жалб этди. Яқинда театр коллективи П. Байсининг «Осенцим жаллодлари» асарини сахналаштирди.

Коллектив ҳозир юбилей олдидан туёна тайёрлапти. Бу — В. Титов ва К. Милленонинг повести асосида «...Доғда қолдириб» номи билан сахнага қўйилган асардир.



СУРАТДА: ўзбек Давлат филармонияси шоши-даги «Лазги» ансамбли раис ижро этмоқда, М. Нуриддинов фотоси.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, Куба Республикаси Революцион кукуматининг министри Марлос Рафалъ Родригес кеча Москвадан Гаванага учиб кетди.


Польша Халқ Республикаси миллий мудофаа министри броня генерали В. Ярузелскийнинг таклифига биноан СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко раҳбарлигидаги совет ҳарбий делегацияси расмий жавоб визити билан кеча Варшава учиб кетди.

Делегацияни шу кунини Варшава аэродромида Польша Халқ Республикасининг партия ва ҳукумат раҳбарлари кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан партия секретари вазифасини бажарувчи И. Лойкканен бошчилигидаги Финляндия марказ партиясининг делегацияси Москвага келди.

ОЛИСДАН КЕЛГАН ДЎСТЛАР

Лавҳа



СУРАТДА: Ўзбекистон пахтачилик саноати машинасозлиги заводи йиғув-механика беканининг аэратор ишчиси йиғувчи слесарь Александр Попов. Ҳаётининг мунтазам равишида ортинги билан адо этувчи бу ишчи ҳаёли меҳнати билан кўнгина ёш ишчиларга ўрнак бўлмоқда.

УДОИМО каллаи саҳарлаб ишга олтанди. Ҳар Ҳал ҳам субдидамда тонг насимини ҳаршилаб, қувнок чуғиллашавтган кушларнинг нағмасини ҳузур қилиб тинглайди. Афтдан кушлар тунда зерикиб қолади шеклини тонг оқариб кўрина бошлаши билан уйғониб, хониш қилишга тушади. Инсончи? Инсоннинг қайфияти ҳар соатда ўзгариб туради. Бронислав бу кун худди ана шу кушлардек хушнуд қайфияти юш. У ширин хавллар оғушида объектига етиб келганини ҳам сезмай қолди. Бригада аэрозолари тўплангунча бугун қилинадиган юмушларини чамалаб чиқди. Ишчилар билан ўртоқлашиш учун кўнглига тугиб кўйган гапларини пухта ўйлади.

— Кеча бошқармада ўтган йилда қилинган ишларга кўн жасди. Яхшигина меҳнат қилганимиз маълум бўлди, — деди у бригадани аэрозолари жамуя-жам бўлган, — Иллик топшириқини 170 процент бажардик. Янги йилнинг биринчи ойда қилинадиган ишларимизни режалар олсак ёмон бўлмасди.

— Пойгада узиб юрган от доимо ўзати, хотиржам бўлавер ўртоқ бригадир. Бу ойда кўрсатиқларимиз янада юксакроқ бўлади, — деди коржамасини кийаётган Григорий Давлятян.

— Кайригингиз шундан далолат бериб турибди, дўстлар, бу яхши, — деди Бронислав малла сочларини тўриллаб. — Эҳтиёткорликка завоил йўқ деганлар. Бу ойда ишимиз бир мунча жиддий. Биринчи рангли пардозлаш ишларини тугаллашимиз керак. Шундан сўнг бригадир суваш хиллари ичиде декоратив (эйнатли) пардозлаш ҳам умумий, сармехнат иш эканлигини, январь ойи ёнгарчиликлардан ҳоли эмаслигини айтиб хаво очик кунларига ғайрат кўрсатиш лаш кераклигини ўқирди. Иш

бошлаш олдидан сўхбат тарзда ўтказилган бу ўзига ҳос йиғилиш кураччиликнинг ғайратини янада оширди. Сувоқчилар ким ўзларга мусобақалашгандек меҳнат қилдилар.

Бригадир Бронислав Винцентович Загорский ҳаргин, лекин руҳан мамнун, ишдан қаноат ҳосил қилиб яғра қайтаркан, бунинг марду-майдонлари бўлган ҳамкасбларнинг қиёфаси кўз олдидан бир-бир ўта бошлади. В. Белов, Г. Давлятян ажосиб ғайрат кўрсатишди... Хусусан, Сотик ва Надежда Кудрявцевлар хўб тер тўкишди да бугун! Янги ишга қабул қилинган Надеждани у Сотикка шогирд қилиб тайинлаганди.

— Бизда шогирдлик муддатини уч ой. Ҳарқат шу талаб даражасида бўлсин. Сен ҳам бефарқ қарамасдан, қизганимиз ўртоқ биланларини, — деди у Сотикка уларга алоҳида бир хона бўлган, — Иллик топшириқини бажардик. Бироз вақт ўтган, бригадир устоз ва шогирдини ишдан ҳайбар олоқичи бўлиб, улар ишлаётган хонага экинлашди.

— Одатда энг аввал деворнинг юқори қисмига сувалади, — тушинтираётган эди Сотик. Қизнинг кўнгиқроқдек жеранглаган товуши эшитилди.

— Устоз, нега сувоғим силлиқ чиқмапти?

— Чунки газчилик нотўғри тўхтаган. Газчўп қирралари билан сурилса, сувоқ нотикс чиқди. Надежда хатосини тўзатмади шеклини, яна Сотик куяниб туриштира кетди...

Бронислав Загорский айланидан сўнг Тошкентга кетди. У эндигина 26 йашга тўлган бўлса ҳам 250 кишилик коллектив ичинда кўнли кўрган катта ёшли кишилар каби ақлли босиб эди. Теда у аборирлиги, ишбилармонлиги билан кўзга ташланди. Уни пардозловчилар ўзларига

сардор қилиб сайладилар. Дўстлари илгишмаган экан. Бронислав ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор етакчи бўлиб чиқди. Ригаликлар Тошкентда кўрган ишкита юз квартиралари ва битта эллик квартиралари бинони пардозлаш ишларини у бошлиқ жолокорлар ало боҳага бажардилар. Дўстлик бурчларига содиқ бўлган латиш ишларини Тошкентдаги қурилиш ишларини ичюҳисига етказиб, 1967 йили ўз юртига қайтишди. — Тошкент бинокорлиги ишони каваларлари Бронислав Загорский ҳамшаҳарлари В. Белов, С. Кудрявцев билан Тошкентда қолдилар. Ўчқина бригадани аста-секин ўса борди. Уларнинг сафига Ерванн курилишчи тошқонлар Григорий Давлятян, сўнг Украина қурилиш поёздидан Нина Блокостенкова қўшилди. Нинанинг ҳаракатларидан ғайрати шундоқкина намоян бўлиб турарди. У вазифини сидқидилдан бажариши билан ҳаммамни хўрматини қозонди.

Қиз дастлаб қорғич агрегатини бошқарди. Қоршича ало таёйрланган бўлса у тез силлиқланди. Нина ўз касбининг устаси экан. У икки киши урнида ишлаб, пардозловчиларнинг элвадан ўтказилган майин қоршича билан таъминлаб ўн кишилик коллективнинг муваффақиятли меҳнат қилишига муноси улшў кўша бошлади. Бронислав олтин рангли гўзал сочларини бошига турмаклаб олган хўшбин қиз рўпар келганида додириб ҳаяжонга тушарди. Йигит Нинага муҳаббат қўйган ишга ўтказди. Бу ерда ҳам Нина ўзини кўрсатиб ишлади. У қоршичани куракча ёрдамида

тезорлик билан суркаб, маҳорат кўрсатиб сувар эди. Бошқарлардан ортада қолиш гўё из зат-нафисга тегадигандек тиришиб бир йигит қатори меҳнат қила бошлади. Бронислав баъзан юмушларини бажариб бўлиб, ўз ёрдамини тақдир қилганда қиз эътирозсиз, майин жилмайиб кўрди. Бригадир новча бўйли, дев қомат эмасини у деворнинг тепа қисмига сувашда қамдан-қам қолларда сўри ёки нарвонга эҳтиёж сезарди. Нинанинг заққа тўла мовий кўзлари мафтункорлик билан йигитнинг ишларини кузатарди. Бу ҳол йигитга хўш ёқарди. Агар қўйиб берилса, у қаттиқ толиққан пайларига ҳам қиз ёнида ишлашга рози эди. Бора-бора бир гўшада воғга етгандек бир-бирларига экин бўлиб қолдилар. Дўстлик уларни муҳаббат ришталари билан боғлади. Хозир Нина Блокостенкова билан Брониславнинг турмуш қурганларига бир йилдан ошди. Шу кунларда Загорский бригадани биринчи Қорақамиш масисига 3-микрорайонда янги курилатган болалар ялсига қангли сувоқ бермоқда. Бино олдини декоратив беэаш мураккаб иш. Рангли беэак қора сувоқ қатлами устига қоланди. У ўзидан кейин оқлаб бўлишни талаб этмапти. Рангли беэак қўйиб ва ёмғирдан бузилмайдиган бўлишни лозим. Бунинг учун рангдор қоршиқлар таёйрлаш технологиясига қатий риоз қилиш керак. Бу пардозчилардан тақриба ва эҳтиёткорлик талаб қилади.

«Жилстрой» трести 45-қурилиш бошқармасида декоратив суваш ишларини бажариш ҳаммаси Б. Загорский бригадасига топширилди. Фасада рангли сувоқ қилинадиган объектлар пардозлашда бу бригадани тажрибадор, ихтисослашган коллектив саналади. Бригаданинг ҳар ойда бажарган иш нормаси 170 процентдан кам бўлмапти. Бригаданинг умумий меҳнат қилишида етакчи Бронислав Загорский кийинги улдуш салмоқли. У ўста гилкор бўлиши билан бирга тоғмас изловчиларди.

Мана бир мисол. Утган йил ёзда бригада мактабни ремонт қилватганда, алибаст етишмай қолди. Нима қилмоқ керак? Наҳотки, бекор туриб қолишга тўғри келинса! Экскаватор қазиб чиқарилган қўнғир тўроққа қараб ўй суриб турган бригадирнинг халғига Дўмбира бодда ўзи яшаётган хонанинг сувоғи эсига тушди. Ховли эсига ҳеч қандай алибаст аралаштирмасдан тўроқ ва цементдан лой тайёрлаб уларни суваганиди. Алибаст ўрнига тўроқ қўланса бўлмасмикин! Шундай қоршича таъриқининг ходимлари алибаст ўрнига қўйиб тўроқ ишлашга қоршичани қоршичани текшириб «яради» ишлаши мумкин деган ижобий хулоса чиқарди. Янги қоршича тез қотнаса ҳам қийин ҳам яхши қоршича бўлиши мумкин. Бронислав қоршичани «масис» қўшин ҳаммаси бригадаларда ҳам муваффақиятли фойдаланиб келинади.

Бронислав ўз касбининг устаси. Биз борганда моҳир гилкор чаплаган қоршичани текислаб, устакорлик билан арқ раҳини чиқарётган. У бригадани ишчи ташкил этиш билан бирга ўзига норма белгилаб бошқар қатори меҳнат қилади.

Дўстидан қудратлироқ куч йўқ, дунёда Унинг олдида энг узоқ масофаларнинг табиҳи ҳоли қисқаради, — деди у. — Коллективимизни дўстликнинг, биродарликнинг энг гўзал намунаси деб биламиз.

Б. ҚАҲҚОРОВ.

Тошкентликлар доҳий юбилейига

ФАРҲОД

Фарҳод деса цехдагиликнинг кўз олдига қотмадан келган, тиниб-тинчмас бир йигит келди. Бу йигитнинг асли исми Фарҳиддин. Уни Фарҳод дейишларига бир воқеа сабаб бўлган.

... Фарҳиддин туғилиб ўсган жой — Самарқанд область, Нурута районидати Томди қишлоғидан Тошкентга келиб, резина-техника буюмлари заводига ишга кирганига беш-олти ой бўлган. У қиринч дастгоҳида ишлар ва топшириқларини вақтида бажарарди.

Нима бўлди-ю, Фарҳиддин ишлаётган размерерс буюмлар таёйрлаш цехининг резина пиширини участкасига одам топилмай қолди. Цех бошлиғи билан смена мастерининг боши қотди. Чунки цехнинг иш суръати шу участкага боғлиқ эди. Цех бошлиғи Фарҳиддиннинг кўйинга қўл солиб кўрди.

— Фарҳиддин, сен қозонда ишлашга ўтказасан, анча кўзинг пишиб қолган, эллаб кетардинг! Бошқа одамни ишга олсан, то у ўрагунчица ишимиз анча орқага кетади. Цехдаги вазиятни кўрган Фарҳиддин ишнинг оғирлигига, қаққонлик, сезгирлик ва билим талаб қилишига қарамай рози бўлди. У мастернинг айтганларини яхшилаб ўқиб олди, сўнг ишга киришди. Бу ерда энг муҳими — қаққонлик ва сезгирлик керак. Акс ҳолда 1200 даража иссиқда пишиб чиққан резина гильзага ёпишиб қолгани ёки қозонда 1-2 минут ортқ туриб қолса, уни гильзадан ечишда ҳам, машинада қирришда ҳам ишчиларни қийнаши турган гап. Консерва банкаларининг четига қўйилган резина халқачлар браб бўлиши мумкин. Шунинг учун Фарҳиддин ўз набсини икчи-чирларини ўраган олди. Қарабсизки, бир ойдан кейин цех нзга тушиб кетди.

— Фарҳиддин бизнинг Фарҳодимиз, у бизни оғир вазиятдан чиқарди, — деди цех бошлиғи С. Урмонов. Шу-шу ҳамма уни «Бизнинг Фарҳод» дейдиган бўлди.

Мана, ушундан бери тўрт йил ўтибди. Бу йиллар ичиде Фарҳиддин меҳнатда тобланди, чиниқди. Унинг номини фақат цехдагина эмас, балки заводда ҳам хўрмат билан тилга олишадиган бўлишди. Уни резина пиширин участкасига бригадир қилиб тайинлашди. Фарҳиддин дам соатга, дам қозоннинг атмосфера босимини ўлчаётган барометрга қараб, резинанинг нормал пиширлишига ҳаракат қилди. Пишган резиналарни қаққонлик билан гильзадан ечиб олади.


Ф. Кубаев бошлиқ бригада сменада 2700 килограмм ўрнига 3000—3200 килограмдан резина пишириб, ойлик ва квартал планларини доимо ортинги билан бажариб келмоқда. Улар декабрь ойда 7 мннг килограмм резина пишириб, 16 декабрдаёқ янги йилни кутиб олган эдилар.

Юбилей йилида янги меҳнат зафарларини қўлга киритишга аҳд қилган бригада аэрозолари юбилей йилида 700 тонна ҳалқача етди-ган резина ва 200 тонна турли размердаги шлангалар пиширини ўз олдларига мақсад қилиб қўйганди.

Бригаданинг Х. Қаҳназаров, В. Битлена, М. Шаропова ва З. Кузьмина каби ишчилари кўнлик нормаларини 115—120 процент адо этмоқдалар.

Улар тўрт ойлик топшириқини доҳиймиз В. И. Ленин юбилейи нишонланадиган кунгача бажариш мажбуриятини олдилар. Хозир ана шу мажбурият йўлида фидокорона меҳнат қилинапти.

С. САЙДАЛИЕВ.



Шаҳримизнинг Чераданцев массиви ой сайини обод бўлмоқда. Бу ерда қўллаб маданий-маиший объектлар фойдаланишга топшириляптир.

СУРАТДА: Яқинда ишга тушган янги қаҳвахона.

Халқ назоратчилари

МУКОФОТ МУБОРАК

Шаҳримиздаги саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, махсуслот ишлаб чиқаруши билан боғлиқ бўлган бошқа муассасаларида қўллаб халқ назоратчилари жамоатчилик асосида фидокорона иш олиб бормоқдалар. Уларнинг жонкуралини туғайли давлатнинг қўллаб маблағи ҳар хил материаллари тежаб қолмоқда. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар халқ мулкнинг содиқ посбонлари бўлган назоратчилар билан ҳақли равишда фахрландилар.

Шаҳар халқ контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши назорат органларида узоқ йиллар самарали иш олиб бораётган бир гуруҳ назоратчилар хизматини алоҳида қайд қилиб, уларни қимматбаҳо нарсалар билан мукофотлашни лозим топди.

Мукофотланганлар орасида 1-пардозлаш трести, 2-автомобиль ремонт заводи, тез ёрдам кўрсатиш насалхонаси қошидаги халқ контроли группаларининг раислари В. Сачко, М. Иванов, Н. Таликов, Киров, Куйбисев районлари халқ контроли комитетлари раисларининг штатсиз ўринбосарлари А. Логвиненко, М. Ерусилский, Қамза, Октябр районлари халқ контроли комитетларининг жамоатчи инспекторлари С. Г. Диев, Н. Кондратьев ва бошқа ўртоқлар бор.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



СУРАТДА: Т. Каримов.

И. Шонноғомов фотоси.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ОТАХОНЛАР

Бешқайрағоч массивидаги Акмал Исромов номли маҳаллада кўнгина пенсционер отахонлар яшайди. Бу отахонлар маҳалламизни ободонлаштириш ҳамда маҳаллада бўладиган тўйларда беҳуда ирофарчиликка йўл қўймадик учун аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришди.

Маҳалла активлари билан биргаликда бу ерда 300 кишилик клуб ва чойхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Отахонлар тез-тез экскурсияларга боиб туришди. Яқинда улар Самарқанд ва Бухорога саёкат қилдилар. Отахонлар улуғ Ленин замонисиде ўзларини нақадар бахтли эвонликларидан беҳад шод.

Л. ҲАМИДОВ.

Хуснбузарлар

БУ КИМНИНГ ЭРКАТОЙИ?

Биз 30 январь кун студентлар шарҳчасига кетаётган эдик. Олой бозори олдидаги такси бекатига келиб, вақтинч қисқа бўлганлиги учун такси машинасида кетмоқчи бўлдик.

Шу вақт «26—78 ТНГ» (биринчи таксамотор паркига қарашли) машина келиб тўхтади. Биз машинага чиқиб ўтиганимизда такси шофёри (исмини билмадик) ташқарига чиқиб, бир аёлни бошлаб келди-да, томдан тараша тушгандек: «Мен сизни йилдан бери таксида ишлаб, ойлик билан кун кўриб келатганим йўқ. Менинг ҳам ўзинга яраша тиркичилигим бор. Сизларга ўхшаган домлардан нима чиқди? Менига чой чақа керак, марҳамат қилиб машинани бунатиб қўйинлар. Берад бўлса, машина номерини ёзиб, қаерга ҳоҳласаларинг, шу ерга мурожаат қилишларинг мумкин!» деб куракча турмайдиغان гаплар билан ҳарқат қилди.

Биз ишдан кеч қолмадик. 2-таксамоторга қарашли такси бизни манзилга элтиб қўйди. Ленин бизни исноий бурчини йўқотган, виждонини пулга сотмоқчи бўлган «26—78 ТНГ» машинаси шофёрининг ҳуяри ташвишлантормоқда. Бу кизнинг эркатойи экан?

Б. ИМОНОВ, А. ҚАЮМОВ.

ФОТО ЛАВҶАЛАР

КУРУВЧИ-МОНТАЖЧИЛАР.

ФИДОКОР

Ишчи МИНБАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени тўғрисидаги комбинатининг қайси фабрикасига кирманг қайси цехида, участкасида бўлган, жавлон уриб ишлаётган хотин, қизларини, станок, машиналарини тузатаётган азамат йиғитларини кўрасиз.

Эрта тонг. Илгирини шамол қуёқ, бурунини чимчилайди. Кўчалар одам билан гавжум. Илгирини комбинатга дарбедан оқиб келмоқда. Булар—тукувчи, илгирувчи, сараловчи, монтер, слесарь, бўёқчи, прессловчи, чингга гуд босувчи, ўрвончи, худлас, турли насб аэгаларидир.

Илгор илгирувчилардан Ана Исоева, Александр Астахова ва Евгения Коробко, Ульяна Лазаровалар кунлик нормаларини 115—120 процент қилиб адо этишмоқда. Уларнинг планини ошириб бажаришда моҳир еъмчилардан Лена Волгина, Гулфия Исмагилова-ларнинг муносиб хиссаси бор.

Илгирувчилар зулғатин ишларни ўз вақтида улаш, йиғилдиб қолган мизинларини чаққонлик билан тозалаш, явудан умумий фойдаланиш натижасида планни доимо ошири билан бажардилар. Комплекта 27 та машина ишлаб турибди. Шу машиналардан бирортаси бузилиб қолса, юрагин ачинади. Шундай ҳолларда ҳар қандай ишни ташлаб, машина тузатишга киришиб кетаман.

Шокарим Шофариев кўп йиллардан бери мастер ердан-чиси вазифасида ишлаб келди. У—цех жонкуяри. Уни доим меҳнат постида, 7-комплектда пилта-пилкларини машиналар устига тахлаётган, урчуларни тузатаётган пайтда кўрасиз.

Унинг комплектида бирон йилгирув машина сабабсиз тўхтаб турмайди. Агар пилта-пилк етишмай қолса, аравадада олиб келиб, машиналарга етказиб беради. Илгирувчилар билан доим ширин муомалада бўлади. Коллектив ўртасида хўрматга сазовор бўлишнинг ҳам босиб шунда.

11 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

ҚАЛБИМИЗ ИСТАГИ

«Плавташкентстр о й» уй-жой қуриш трестига қарашли монтажлаш бошқармасининг меҳнат ақли улуғ доҳий. В. И. Ленин туғилган куннинг шонли 100 йиллигини умумий меҳнат билан нишонлашга ҳарқат қилмоқда.

Беш йилликнинг туртинчи йилини 6298 квадрат метр уй-жойни монтажлаб, пойтатимизнинг Шарки-шимолида ҳар бири 32, 48 ва 72 квартиралар 12 уйи. Қорақамиш массивида эса ҳар бири 32, 48, 56 ва 72 квартиралар 13 уйни фойдаланишга топшириб, ўз кўнчилиги билан 3 миллион 101 минг сўмлик монтаж ишларини амалга оширган эдик. Доҳий юбилейга аталган тўннамиз сифатида, янги йил арафасида пойтатимизнинг Шарки-шимолида 4 та ҳар бири 32 квартиралар уй-жойни планга қўшимча фойдаланишга топширдик. Юбилей йили — 1970 йил учун анча оширилган социалистик мажбурият қабул этдик. Унда улуғ доҳий юбилей кунини — 22 апрелда 4 ойликда 1700 минг сўмлик монтаж ишлари планини бажариб, 11 Қорақамиш массивида қурилатган уйларини, Шарки-шимолида эса 7 уйни батимом фойдаланишга топшириш, ой охиригача, яъни 8 кунда яна 11600 сўмлик ишни амалга оширмасди.

Шу кунларда монтажчиларимиз ҳар қанчон гиндан ҳам умумийроқ ишлаб, юбилейга муносиб меҳнат соғварлар билан боришга интилимқоддалар А. П. Кузин, И. В. Шалин, В. В. Якубович, Мирҳамедов, М. Насриддинов, Бадриддинов ва бошқа ўз ишларини устелари раҳбарлик қилватган бригадалар кунлик, ойлик топшириқларини 190—175 процентдан бажармоқдалар.

Доҳий юбилейи медал билан Фаҳрий ёрлик олиш учун курашувчилар сафи кун сай кун яхшилана бора бора ширинлашмоқда. Ана шу рўйхатга электр пайвандчилардан И. К. Белокобилский, А. Шайдуллин, монтажчи Мирҳамедов Бетончи И. Д. Метросов В. М. Любченко, Р. М. Муниров, М. И. Бадриддинов, А. Д. Белов, Б. Н. Версов, Х. Мусин сингари ўнлаб ишлаб чиқариш илгорларининг номи эзил бошланди.

Аҳдимиз қатъий, барча куч ва имкониятлар мажбуриятларини бажаришга сафарбар этилган.

Қ. С. СУЛТОНОВ — монтажлаш бошқармасининг бешқарма партия ташкилотининг секретари, **Р. МАЛЫШАКОВА** — касба союзи комитетининг раиси, **А. А. МАКАРОВ** — комсомол комитетининг секретари.

Ю. ТОЛИПОВ, тўғримақчилик комитетининг ишчиси.

Булка-кондитер комбинатининг 3-ишлаб чиқариш корхонаси ҳар кун ишар меҳнаткашлари учун 20 тонна обнон, тешкикулча, хохла ва новот каби махсуслотлар етказиб беради.

СУРАТДА: новот тайёрлаш участкасининг моҳир қандолатчилардан Абдуллоҳ Раҳимов ва Ақбар Саидов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.

